

Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” Низоми

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” ўз фаолиятини партия Уставининг 15.5-бандига мувофиқ ташкил этади, давлатнинг хотин-қизларга қаратилган сиёсатини амалга оширишда партия иштироки билан боғлиқ долзарб масалаларни аниқлаш ва ҳал этишга мўлжалланган партиянинг ташкилий тузилмалари таркибидаги ижтимоий хотин-қизлар тузилмасидир.

1.2. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” партия Дастури ва Устави, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари доирасида демократик, ошкоралик, сайлаш тамойилларига асосланган, легитим тарзда фаолият олиб боради.

1.3. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” мустақил ҳуқуқий мақомга эга эмас, ўз ташкилий тузилмасида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бўлинмалар туза олмайди.

1.4. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” нинг ташкилий тузилмаси ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади, партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўми томонидан тузилишининг бош тамойили – барча бошқарувчи органлар ва мутасадди шахсларнинг сайланиши тамойилига қатъий риоя қилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

1.5. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” марказий органининг жорий иш юритиши Тошкент ш., Чилонзор тумани, Шарқ Тонги кўчаси, 23 уй манзилида жойлашган партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати таркибига кирувчи Хотин-қизлар бўлими томонидан олиб борилади. Расмий номи:

Ўзбек тилида: Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Хотин-қизлар қаноти”.

Рус тилида: “Женское крыло” СДПУ “Адолат”.

II. Асосий мақсад ва вазифалар

Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” нинг асосий мақсади жамият, фуқаролик институтлари ва сиёсий партияларни ривожлантиришда янада фаол иштирок этиш, хотин-қизларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан кафолатланган ҳуқуқ ва эрикинликларни таъминлашда кўмаклашиш, ижтимоий жараёндаги барча соҳа ва даражалардаги хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва мавқеи юксалтирилишига хизмат қилувчи барқарор ўзгаришларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Кўрсатилган мақсадга эришиш учун Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” ўз саъй-ҳаракатларини қуйидаги йўналишларга қаратиши зарур:

- хотин-қизларга тегишли бўлган қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича кенг миқёсли ислохотларни изчил давом эттириш;

- хотин-қизлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этишни таъминлаш;

- уларнинг маънавий, интеллектуал, касбий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришлари учун шароит яратиш;

- хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол муносабатини рағбатлантириш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш;

- хотин-қизларнинг, уларнинг жамоат, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни, уларга ижтимоий ҳаётдан то шахсий оилавий ҳаётгача бўлган барча соҳаларда чинакам тенг ҳуқуқликка эришиш имконини берувчи ҳуқуқ ва имкониятлари тўғрисидаги тушунчалар ҳақидаги билимини чуқурлаштириш ва кенгайтириш;

- давлатнинг хотин-қизларга қаратилган сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, ҳаракатлар, уюшмалар, қўмиталар ва бошқаларда иштирокни фаоллаштириш;

- хотин-қизлар турмуш сифатини яхшилаш, фуқароларда гендер муносабатларини шакллантиришга эришиш.

III. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” нинг ташкилий тузилмаси

3.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” ташкилий тузилмаси бўғинлари асосида қуйидан юқоригача асосий тамойил – барча бошқарув органлари ва мутасадди шахсларнинг ихтиёрийлиги ва сайланиб қўйилиши ётади.

3.2. Ташкилий тузилма бўғинлари БПТ, шаҳар, туман, вилоят ташкилотлари, партия Сиёсий Кенгаши қошида ташкил этилади, тузилиш шакли бўйича қатъий регламентга солинмайди, айнан бир мақсад йўлида ва ҳал этилаётган вазифалар асосида бирлашиш Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” тушунчасини шакллантиради.

3.3. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” тузилиши ва ташкил этилиши, унинг сайлаш органлари ва қуйи бўғинлари мутасадди шахслари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг асослари ушбу Низомнинг IV бўлимида белгилаб берилган функцияларда ўз аксини топган.

3.4. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” ҳудудий тузилмаларини мувофиқлаштириш, ташкиллаштириш, жорий, тезкор масалаларини ҳал этиш мақсадида вилоят партия Кенгаши Ижроқўми томонидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан масъул ходим штат бирлигини киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бу масала Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати билан келишилган ҳалда амалга оширилиш зарур.

IV. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” бошқарув органлари

4.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” конференцияси

4.1.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” нинг юқори ҳайъат сайлов органи - Устав доирасидаги фаолиятга тегишли, партия дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда ушбу Низомга зид бўлмаган барча масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Республика конференциясидир.

4.1.2. Республика конференцияси зарурат туғилганда, аммо камида 5 йилда бир марта чақирилади.

4.1.3. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўми “Хотин-қизлар қаноти” Республика конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади, унда ўтказилиш муддати ва жойи, вакиллик меъёри, кун тартиби, сайлов органларини шакллантириш ва раҳбар шахсларни сайлаш тартибини белгилайди.

4.1.4. Республика конференциясидан аввал “Хотин-қизлар қаноти”нинг қуйи тузилмалари – вилоят, туман, шаҳар бўғинларида ҳисобот-сайлов кампанияси ўтказилади, бу ҳақда партиянинг тегишли партия Кенгашлари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмига қарорига ўхшаш қарор қабул қилади.

4.1.5. Республика конференциясининг ваколатига қуйидагилар қиради:

- “Хотин-қизлар қаноти” Низомини қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Ўзбекистон “Адолат” ЎзСДП “Хотин-қизлар қаноти” Ҳаракат дастурининг асосий йўналишларини қабул қилиш;
- Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгашининг янги таркибини сайлаш;
- Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши раиси, вилоят “Хотин қизлар қаноти” раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

4.2. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши

4.2.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” Кенгаши конференциялар орасидаги даврда юқори сайлов, ҳайъат органидир. Кенгаш аъзолари сони ва унинг таркиби партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси тавсиясига биноан конференция қарори билан тайинланади ва ўзгартирилади.

4.2.2. Конференциялар орасида бўлган даврда Кенгашнинг янги аъзолари партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўми тавсияси билан Хотин-қизлар Кенгаши мажлиси қарори асосида унинг таркибига қўшилиши мумкин.

4.2.3. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши фаолияти бошқарувини Кенгаш раиси, унинг йўқлигида унинг ёзма топшириғи билан ўринбосарларидан бир амалга оширади.

4.2.4. Кенгаш мажлислари зарурат туғилганда, аммо камида ярим йилда бир марта, одатда, партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Пленумидан кейин ўтказилади.

4.2.5. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгашининг ушбу Низом билан белгиланган ваколатлар доирасида қабул қилган қарори, партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўми тасдиғидан сўнг партиянинг барча аъзолари, бошқарув ва бошқа органлари, партия тузилмаси бўлинмалари мутасадди шахслари учун мажбурийдир.

4.2.6. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши партия бошқарув тузилмалари ва мутасадди шахслари фаолиятининг у ёки бу масалаларига доир “Алоҳида фикр” шакллантириши мумкин. Агар у партия Устави ва Дастурига зид бўлмаса, “Алоҳида фикри” бўйича Кенгаш қарори партиянинг тегишли органига етказилади.

4.3. Хотин-қизлар Кенгашининг ваколатлари

4.3.1. Конференциялар орасидаги даврда ташкилий-партия, ғоявий-маърифий фаолият масалаларини ҳал этади, Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” тузилмавий органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва мутасадди шахслари устидан бошқарувни амалга оширади.

4.3.2. Дастурий ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари томонидан белгиланган Партиянинг хотин-қизларга қаратилган сиёсатини аниқ режалар, дастурлар ва чора-тадбирларни бажариш йўли билан ҳаётга татбиқ этади.

4.3.3. Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қарор лойиҳаларини ишлаб чиқади, муҳокам қилади ва партия Курултойи, Сиёсий Кенгаши ва Сиёсий Кенгаш Ижроқўми муҳокамасги киритади.

4.3.4. Белгиланган муддатга кўра, партия Сиёсий Кенгаши, Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси ва Хотин-қизлар конференциясига ўз иши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

4.3.5. Навбатдаги конференцияни чақиритиш ҳақида ҳамда партия Сиёсий Кенгаши таклифи билан навбатдан ташқари конференцияни чақиритиш ҳақида қарор қабул қилади.

4.3.6. Партия Дастури ва Устави, ушбу Низомга зид бўлмаган Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” фаолиятига доир бошқа масалалар бўйича қўпчилик овози билан қарор қабул қилади.

4.4. Хотин-қизлар Кенгаши раиси

4.4.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар кенгаши раиси жамоатчилик асосида ишловчи сайланувчи мутассади шахс – лавозими бўйича партия Сиёсий кенгаши раисининг штатдан ташқари ўринбосари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси таркибига киради.

4.4.2. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши раиси конференцияда очик сайлов йўли билан 5 йилга сайланади.

4.4.3. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” раиси муддатдан аввал холис сабабларга кўра раислик ваколатларини тугатса, раис мажбуриятларини раис ўринбосарларидан бири бажаради. “Хотин-қизлар қаноти” бу ҳақдаги қарорни партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўми билан келишилгандан сўнг қабул қилади.

4.5. Хотин-қизлар Кенгаши раиси ваколати

4.5.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” раиси умумий ва сиёсий бошқарувини, тузилма бўғинлари ва сайланган мутасадди шахслар устидан бошқарувни амалга оширади.

4.5.2. Партия Устави ва ушбу Низомга мувофиқ партия марказий органлари ва юқори мутасадди шахслари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади ва мувофиқлаштирилган ишни ташкил этади.

4.5.3. Ҳар йили Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” фаолияти ҳақида ахборот тайёрлайди ва уни Партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўмига тақдим этади.

4.5.4. Ўзбекистон “Адолат” СДП Хотин-қизлар Кенгаши мажлисларида раислик қилади, қабул қилинган ҳужжатларга имзо қўяди ва уларни Партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўмига тақдим этади, Ижроқўм уларга доир Партия Уставига мувофиқ барча партия тузилмаларига мажбурий бўлган қарор қабул қилиши мумкин.

4.5.5. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўм раиси билан мувофиқлашувдан сўнг Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” фаолиятига доир кўрсатма-услубий, тавсия хусусиятига эга, намунали ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди, Партиянинг хотин-қизлар кадрлари ва фаоллари ўқувларини ташкиллаштириш бўйича режа ва асосий талабларни ишлаб чиқади.

4.5.6. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти”нинг бошқа бошқарув органлари ваколатига киритилмаган вазифаларини амалга оширади.

V. Молиявий-хўжалик таъминоти

5.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” тузилмаларининг молиявий-хўжалик таъминоти тасдиқланган харажат сметалари доирасида, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган тегишли партия Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

5.2. Вилоят партия Кенгаши штат жадвалида хотин-қизлар билан ишлаш мажбуриятлари Кенгаш ўринбосарларидан бирига юкланади.

VI. Фаолиятини тугатиш

6.1. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” партия Низомида айтиб ўтилган ҳолларда Ўзбекистон “Адолат” СДП тугатилиши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатади.

6.2. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси “Хотин-қизлар қаноти” фаолияти тугатиш ёки қайта тузиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.3. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Хотин-қизлар қаноти” фаолиятини тугатиш ҳақида мустақил равишда қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Ижрочилар: Ўзбекистон “Адолат СДП Сиёсий Кенгаши Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи М.Дадаходжаева

Ўзбекистон “Адолат СДП Сиёсий Кенгаши Мафкуравий ва маънавий ишлар бўлими бошлиғи А.Самеджанов

Ўзбекистон “Адолат СДП Сиёсий Кенгаши Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Б.Шохимардонов